

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент-2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Ўзбекнефтгаз” акционерлик жамияти.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи	4
1.2.1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи.....	10

1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга қираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5А311901- Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш – “Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” акционерлик жамияти ва унинг тасарруфидаги барча ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтларида, “Ўзтрансгаз” акционерлик жамиятида ва унинг тасарруфидаги барча ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, нефть ва газ конларида комплекс масалаларни ечиш, нефть қазиб олиш учун жиҳоз ва ускуналари, газ қазиб олиш учун жиҳоз ва ускуналари, газ компрессор станцияларидаги комплекс масалаларни ечиш каби масалалар билан шуғулланувчи барча сановат корхоналари мажмуини камраб олади.

1.2.2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;

- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;

- нефть казиб олиш ва тайёрлаш учун жиҳоз ва ускуналар;

- газ казиб олиш ва тайёрлаш учун жиҳоз ва ускуналар;

- газ компрессор ва насос станциялари;

- газ казиб олиш жараёнида ишлатиладиган жиҳозлар ва уларнинг конструкциялари;

- мутахассислик соҳаси замонавий технологик ва конструкторлик илмий-ишлаб

чиқариш муассасалари.

1.2.3. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;

- педагогик фаолият;

- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;

- таҳлил ва назорат фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- ишлаб чиқариш ва таълим;

1.2.4. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш

мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

5A311901- Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш

мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- нефть ва газ конларини ишлаш ва ишлатишни лойиҳалаштириш;

- нефть казиб олиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- газ қазиб олиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш-технологик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- нефть ва газ конларидаги қудуқларни ишлатишдаги турли технологиялар ва лойиҳалаш-технологик ишларини тўлиқ бажариш кўникма ва малакасига эга бўлиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини бажариш ва уларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш;

- нефть ва газ қудуқларида ишлатиладиган насосларни, қудуқлар тубига таъсир этиш методларини қўллашни лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ҳозирги қўйилган талаблар нуктаи назаридан замонавий ахборот ва рақамли технологияларни қўллаб бажариш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиши.

Таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларида нефть маҳсулотлари ва газдан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- йирик саноат корхоналари ва аҳолининг газ таъминотини лойиҳалаш соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- йирик саноат корхоналари ва аҳолининг газ таъминотини лойиҳалаш бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ва хорижий саноат корхоналари ва аҳолининг газ таъминотини лойиҳалашга оид жараёнлар ҳамда ходисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- касбий этика қоидаларини риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- йирик саноат корхоналари ва аҳолининг газ таъминоти тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жиҳозлари ва техник воситаларидан самарали фойдаланиш;

- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;

- йирик саноат корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жиҳозлари ва техник воситаларининг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

- техникавий-иктисодий таҳлил қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

- йирик саноат корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизими қурилмалари, ҳамда жиҳозларини ишлатиш бўйича мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

- хорижий нефть ва газ қазиб олувчи корхоналарнинг ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

2. 70721802-Нефть ва газ конлари машина ва жиҳозларидан фойдаланиш таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- нефть ва газ қазиб чиқариш тизими машина ва жиҳозлари қурилмаларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;
- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари тизимидаги замонавий жиҳозлар ва қурилмаларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;
- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизимининг бошқариш жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари ва аҳоли газ таъминоти электр таъминотини лойиҳалаштиришда технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилишни билиш;

- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари ва аҳоли газ таъминотини лойиҳалаштиришнинг замонавий усулларини билиш;

- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизимида ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш малакасига эга бўлиш;

- нефть ва газ қазиб олиш корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизимида истеъмолчилар узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш, саноат корхоналари ва аҳоли газ таъминоти тизими қурилмалар жиҳозларини, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура ва бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-кидирув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, нефть қазиб олиш жараёни жиҳозлари ва ускуналари, газ қазиб олиш жараёни жиҳозлари ва ускуналари, нефть қазиб олиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислам Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети
Ректор  С.М. Турабджанов
2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги
Вазир ўринбосари  Б.Р. Нарматов
2021 йил « 25 » 08


М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва янги
технологияларни татбиқ этиш маркази

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институтини

Директор  М.Зейнеп
2021 йил « 24 » 08
М.Ў.

Ректор  О.Ш. Бозоров
2021 йил « 24 » 08
М.Ў.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ
Бошқарув
райси ўринбосари  А.С. Мустафоев
2021 йил « 24 » 08
М.Ў.